

Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

УЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 29 март Шанба. № 26 (14420)

МДХ: навбатдаги учрашув

Москва, 28 март. (ЎзА махсус мухбири Аҳмад Хўжа хабар қилди). Кеча Президент Ислам Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегацияси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат бошлиқлари Кенгашининг навбатдаги учрашувида иштирок этиш учун бу ерга келди. Внуково аэропортида давлатимиз раҳбарини Россия Федерацияси ҳукумати Раисининг ўринбосари В. Серов, Ўзбекистон Республикасининг Россия федерациясидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ш. Шоқалилов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Бугун Кремлда МДХ га аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг ёпиқ мажлиси бўлиб ўтди. Шундан сўнг Кремлнинг Екатерина залида МДХ мамлакатлари расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги мажлиси бўлди. Мажлисларда МДХ доирасида қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши, интеграция жараёнини тезлаштириш концепцияси, коллектив хавфсизликни таъминлаш ҳамда Ҳамдўстлик истиқболи билан боғлиқ ўндан ортиқ масала кўриб чиқилди. Бу борада тегишли ҳужжатлар имзоланди.

Кремлнинг матбуот марказида давлат бошлиқларининг журналистлар билан учрашуви бўлди. Улар мухбирларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Куннинг иккинчи ярмида мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Украина Президенти Леонид Кучма билан учрашуви кутилмоқда. Учрашув чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қўшма комиссия тузиш тўғрисидаги протокол имзоланади.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси «Адабиёт, санъат ва маърифат» соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари бериш тартибининг такомиллаштириш тўғрисида» 1996 йил 13 февралдаги 58-сон Қарорига қўшимчалар киритиш ҳақида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Бадий Академиясининг ташкил этиш ҳақида»ги Фармонида мувофиқ таъсирли ва амалий санъат, халқ ҳунармандчилиги соҳасида Камолдин Бехзод номидagi Давлат мукофоти таъсис этилганлиги муносабати билан ушбу мукофотни 1997 йилдан бошлаб ҳар уч йилда бир марта Мустақиллик байрами арафасида бериш тартиби жорий қилинди.

Камолдин Бехзод номдаги Давлат мукофоти

миллий истиқлол гоҳларини эркин бадиий шаклларда акс эттирган. Ўзбекистоннинг буюк тарихини ва ҳозирги юксалиш жараёнининг ҳаққоний образлар орқали гавдалантирган ва кенг жамоатчилик томонидан тан олинган учта етуқ санъат асари учун Ўзбекистон Республикаси Президентли Фармони билан берилди. Лауреатларга ерлик ва нишон билан биргаликда 80 та энг кам иш ҳақи миқдорида пул мукофоти топширилади.

Шунингдек, қарорда кенг жамоатчиликнинг таъкид ва истақларини инобатга олиб, 1997 йилдан бошлаб адабиёт, театр-музыка, кинематография соҳасидаги етуқ асарлар учун Абдулла Қолирий номдаги Давлат мукофоти Наврўз байрамида эмас, Мустақиллик байрами арафасида бериш тартиби жорий қилиниши белгилаб қўйилди.

Кореядан мактуб

«КОРЕЙСЛАР ЎЗБЕКЛАРГА ТАН БЕРДИ»

Ушбу арзимас мактубимни чексиз соғинчи салом билан элим деб, юртим деб яшаётган, севимли юртдошларимга деб билгайман.

Ассалому алайкум, азиз юртимнинг азиз дилбандлари. Омон-эсонмисизлар. Катта шодонислар билан нишонлаган Наврўз айёмингиз муборак бўлсин.

Мен оддий қишлоқ фарзанди истиқлол шарофати, юртбошимиз

саъй ҳаракатлари билан Жанубий Корея давлатидан сизларга мактуб йўллаш бахтига муяссар бўлдим. Ҳар кун бу мамлакатнинг қайси бир фуқароси билан гаплашмай «Мен ўзбекистонликман» деб гавдамни ғоз тутиб айта оламан. Корейслар ўзбекларни жуда яхши кўришади. Айниқса, «Комма» фирмасида ишлаётган йигитларимизнинг меҳнаткашлиги, ҳалоллигини кўриб, уларга тан

беришди. Ўзим наманганликман. Юртимиз келажаги учун жон куйдириб ишлаётган Наманган меҳнат биржаси раҳбарларининг тўғри кўрсатмалари билан иш ўрганиш учун бу ёққа келган эдим. Энди билсам адашмаган эканман. Ўзимдан-ўзим қувонаман. Яқин кунларда ўз юртим — Ўзбекистонга қайтиб, унинг келажаги учун ўз ҳиссамни қўша оламан. Қилган ишимдан

халқ манфаат кўради. Бир пайтлар мендек олий ўқув юртида ўқимаган болани ким ҳам чет элга юборди, деб юрган тенгдошларимга бирдан-бир илтимосим ва маслаҳатим, бугун уларга яратилган имкониятлардан тўғри фойдаланишини. Ҳозир Ўзбекистонга, ўзбекларга ҳудода шукр дунё бир қadam. **Ўқимонжон ХАЛИЛОВ** Жанубий Корея Панжу шаҳри.



Ўзбекистон пойтахтида иқтидорли болаларнинг олтинчи республика сўёти бўлиб ўтди. Унда республиканинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон республикасида 250 дан ортиқ мактаб ўқувчиси иштирок этди.

Уч кунлик анжуман дастурли тизим бўлди. Республика Мактаб ўқувчилари саройида анжуманнинг тантанали очилиши пайтида ёш авлодининг истеъдодли вакиллари республиканинг турли жамғармалари раҳбарлари, таниқли шоир ва адиблар таъриқлашди. Шундан сўнг болалар секцияларида машғулотларга киришдилар. Шу ернинг узюда, саройда мактаб ўқувчилари ясаган бадиий буюмлар кўргазмаси очилди.

Иқтидорли болалар машғулотлардан бунч вақтларда Тошкент музейларга бордилар. Алишер Навоий номдаги Миллий боғда бўлдилар. Шунингдек, иқидий уюшмаларнинг вакиллари, олимплар билан учрашувлар бўлди. Анжуман тугатилган сўнг унинг ҳар бир иштирокчисига республика Халқ таълим вазирлигининг Фахрий ёрлиғи, совғалар топширилди. Ўзбекистон Халқ таълими вазир Жўра Йўлдошев болаларга ўқитишда ва ёш қобиллатларини ривожлантиришда муваффақиятлар тилади. У республикада бўлиб анжуманлар бешинчи марта ўтказилаётганини айтди. Бу таъбирлар фақат катта шахарлардагина эмас, олим қишлоқларда ҳам энг истеъдодли ўқувчиларни аниқлашга қўмақлашди, уларнинг ижодга қизиқилишини кўчаётган, ёшларга ўз истеъдодларини рўёбга чиқариши мумкин бўлган соҳаларни аниқлаб беришда ёрдам беради.

Россияликлар ойлик маош ва пенсияларини ўз вақтида олмапти. Ҳукуматнинг бу борадаги қарар 50 триллион рубдан ортиб кетди. Шу бонс миллионлаб киши Россия касаба уюшмалари уюштиратган ҳукумат қарши норозилик намойишларига чиқишга қарор қилди.

Бухоро шаҳрида «Камолот» жамғармаси вилоят ва шаҳар бўлимлари, «Маҳалла» жамғармаси, Ўчки ишлар бошқармаси ҳамкорлигида ёшлар ўртасида жиноятчиликни олдини олишга бағишланган ҳафталик бўлиб ўтди. Ҳафталик яқинга бағишланган ўтган йилги таъбир ташкилотчилар ёшлар ўртасида жиноятчиликни бағараф этишда маҳаллаларнинг роли нечоғлик муҳим эканлигини эътироф этишди. Сўнг иштирокчилар шаҳардаги Габуур Гулом номли маҳалланинг ёшлар билан ишлашдаги таъриқларини ўрганишди.

«Туркистон» ҳамда ЎзА мухбирлари тайёрлашди.

Акс-садо
Ўзбекистон Республикасининг уй-жой қурилишида ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги

ФАРМОННИ ЎҚИБ

Мухтарам Президентимизнинг аҳолини моддий, маънавий ва маънавий ҳимоялашдаги саъий ҳаракатлари биз меҳнаткашларни чексиз қувонтирди.

Фуқароларнинг уй-жой шарафларини янада яхшилаш ҳозирги кунда доллар муаммога айланб бормоқда. Аҳоли сонининг кўп сайин ўсиб бориши марказ қатори чекка жойларда ҳам ўз таъсирини кўрсатапти.

Биз пойтахтимиздаги ўзгаришларни кўриб, эшитиб қисқа вақт ичида мустақил давлатимиз ўзининг миллий қиёфасини топаётганлигининг гувоҳи бўлганмиз. Янги тилда қурилган бозорларимизни, Соҳибқирон бобимиз музейини ҳаққоний шарқона бунёдкорлик намунаси десак арийдим.

«Тошкент шаҳрида уй-жой қурилишини давлат йўли билан қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида» 1996 йил 31 январьдаги фармонга амал қилиш республиканинг барча минтақаларига ёйилсин! — дея фармонда таъкидланган аҳолида келажакка бўлган ишончнинг янада мустаҳкамлади.

Эндилкида жамиятнинг барча табақасидаги фуқаролар давлатга суюнган ҳолда ўзининг уй-жойига бўлган эҳтиёжларини бемалол қондира олади.

Х. ЮСУПОВ Қашқадар вилояти.

ТАРИХ ҚАЕРДАН БОШЛАНАДИ

Ота-боболаримиз тарих ҳақида сўз юритганларида етти авлодни хотирлашар эканлар. Етти авлоди бут инсон тағли-туғли ҳисобланаркан. Тарих — халқ биз саҳифаларини арақлаб улғурмаган китоб. Утган долғали йилларда унинг саҳифалари қора сиёҳ چاپланди. Бугунги истиқлол шарофати билан эришган эркимизни буюк аجدдоларимиз яратган асорит-атиқалардек мустаҳкам



миз. Бухоро тарихини амалий ўрганиш, соф маънода айтсак энди бошланади. Янги истиқлол руҳида шаклланиётган тарихни яратишда сизларнинг кўнётган илк қадамингиз ҳосиятли бўлсин».

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Фарналар Академияси мухбир аъзоси, археолог олим А. Муҳаммаджонов жумладан қуйидагилар

қизиқтириди. Анжумани Наманган вилоят ҳокимининг ўринбосари Дилшоҳ Дадажонов очди. Семинар ишини «Камолот» жамғармаси бошқаруви раиси Х. М. Абдураимов олиб борди. Наманган вилоят ҳокими Тўлқин Жаббаров семинар иштирокчиларини таъриқлаб вилоятда ёшлар билан ишлаш, уларнинг маънавийатини янада юксалтириш борасида олий бориелетган ишлар ҳақида тўхта

ди. Ўзбекистон Ёшлари «Камолот» жамғармаси бошқарувининг раиси Хотам Абдураимов эса семинарнинг мақсад ва вазифалари тўғрисида сўзлаб, қуйидагиларни алоҳида таъкидлади: Президентимиз ёшларга, аниқса иқтидорли ёшларга катта эътибор билан қарамоқда. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни ҳоржий мамлакатларда ўқишлари учун имконияти яратиш мақсадида «Умид» жамғармаси тузилди ва ўз фаолиятини бошлади. Жаҳон мамлакатларининг республикамизга қизиқтириш тобора ортиб бормоқда. Нуфузли халқаро таъкидлар ҳам Ўзбекистоннинг буюк ўзини ва парлоқ келажак билан ҳамкорликда қатор таъбирларни амалга ошираётганлиги ва ушбу семинарнинг ўтказишда фаол иштирок этаётганлиги ҳам ана шулар жумласидандир.

Шундан сўнг ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги бюроси раиси жаноб Майкл Барри Лейнга сўз берди. Жумладан, у ЮНЕСКОнинг ёшлар бўйича 1991-2001 йилгача мўлжалланган «Ипак йўли-диалог йўли» ҳаракатини дастурийнинг моҳиятини, турли маданиятга мансуб ёшлар ўртасида доимий, изчил фикр алмашинувини ривожлантириш, тинчлик, инсонпарварлик ва демократия юнгаларини кенг тарғиб этиш мақсадида асослаштирилган мактабларда олиб борилаётган ишлар, шу йилнинг ав

гани айтди: «Мана ўттиш даври ҳам аста-секин ортада қолиб, юксалиш сари интила бошладик. Юртининг қувончи, андуҳи бизники, унинг миллий тарихини аслий яратиш эса касбий бурчимиз».

Кенгаш аъзолари Бухорои Шарифга қуруқ қўл билан эмас, балки қадим шаҳарда яшаётган ёшларга янгилик бўлган ноёб манбаларни олиб боришни яқдиллик билан маъқуладилар.

Арабшумо олим, профессор Ориф Усмонов, арабшумо олим Убайдулла Увтов, Республика Президенти девони ҳузуридаги «Давлат ва жамият қурилиши» академияси қошидаги «Ўзбекистоннинг янги тарихини ўрганиш маркази» директори ўринбосари Шоира Асадоваларнинг фикр-мулоҳазалари янги қўнанишларида Бухоро тарихини ўрганишда муҳим қadam қўйилажати ишонч уйғотди.

«Туркистон»нинг махсус мухбири.

ЁШЛАРГА ҚАНОТ БЎЛСИН

Авал хабар қилганимиздек, Наманганда республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси ишлари бўйича ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон миллий комиссияси, ҳамда унинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси иштирокчида «Ёшлар ва Ўзбекистоннинг маънавий юксалиши» дастури асосида ҳудудий семинар бўлиб ўтди.

Дастурга киритилган масалалар, тавсия ва тақлифлар устида ҳам қизгин баҳс ва мунозаралар бўлиб ўтди. Уни «Камолот» жамғармаси Андижон вилояти бўлими қошидаги «Маънавий мактаби» маслаҳатчиси, олим Х. Мусаев бошлаб берди. Илм-маърифатнинг аҳамияти, миллий урф-одатларимизнинг тиклаётганлиги ҳақида сўз юритди. Маънавийатимизни динсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бироқ айрим диний тушунарларга бугун замонавий тус бериш зарурлигини таъкидлади. Олимлар, зиёлилар халқнинг орасига яна ҳам чуқурроқ кириб боришлари кераклигини айтди.

Ёшларнинг уюшмаси Фарғона вилояти бўлими масъул вакиби Ислам Маҳмуд эса маънавийат ҳақида ўз мулоҳазаларини билдириди. Бизнинг халқимизда аждодий қобилият чикара олсак юртимиз тўғрисида яна буюк фойласуфлар, ёзувчилар, шоирлар, алломалар ёзиб чиқади, лекин улар Фарғонада бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапираркан.

Наманган Давлат университетининг ректори, профессор Абдулла Аъзамовнинг тақлиф ва мулоҳазалари ҳам кўнгликнинг диққат-эътиборини ўзига тортди.

«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг Наманган вилоят бўлими ходими Шоира Ойимхонов Бекмирзаева ислом дини, муқаддас китоблар, ҳадислар ва уларда инсон умрининг мазмун моҳияти акс этганлиги, бугунги ёшларни тарбиялашда ана шу биланлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш зарурлигини таъриқлади. Лекин шу билан бирга фарзандларга дунёвий билимларни ҳам бериш, уларни ақли, фаросати ёшлар бўлиб камол топишлари йўлида қандай ишларни амалга ошириш тўғрисида фикр юритди.

Семинар дастуридан ўрин олган ватанпарварлик, демократия, таълим, бандлик масалалари ҳам қизгин муҳокама

этиди. Наманган муҳандислик иқтисодиёти олийгоҳи ректори Хамидхон Набиев ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади. Ватанпарварлик аввало ҳар бир инсоннинг қалбида туғилади, сўнгра у оилада, маҳаллада, мактабда камол топади. Ҳозирги ёшларнинг айримларида Ватанга садоқат, ота-онага ҳурмат тўғрисида етишмаганини, шунинг учун бу борада қуроқ ва самаралироқ ишлар олиб бориш тўғрисида ўз тақлифларини билдиради.

Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ҳабидулло Убайдуллаев мактабда таълим-тарбия ишлари, аниқса, иқтидорли ўқувчиларни рағбатлантириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида гапирди.

Анжуманда «Камолот» ва «Маҳалла» жамғармаларининг Наманган вилоят бўлими раислари Икромжон Шарофуддинов, Раҳимжон Акрамов, «Маънавийат ва маърифат» жамоатчилиги марказининг Наманган вилоят бўлими раиси Муҳаббат Абдуллаева, Республика «Болалар жамғармаси» Наманган вилоят бўлими раиси Наталья Ризанцева ва бошқалар сўзга чиқишиб, ёшлар маънавийатини юксалтириш, уларни ватанпарвар, фидойи инсонлар бўлиб камол топишлари учун қилиниши лозим бўлган ишлар тўғрисида ўз тақлиф мулоҳазаларини билан ўртоқлашдилар.

Семинарда билдирилган тақлиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда шу йўналишга қартилан зарур таъсирлар ишлаб чиқилди ва таъкидланди.

Президентимиз шу йилнинг 26 февралда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишида «Биз ўз истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб ҳуқуқларини забот этишлари учун қанот беришимиз керак» деган сўз айтди. Ушбу сўз билан билдирилган фикр ва мулоҳазалар, гоилар, таъкидланган тавсия ва тақлифлар республикамиз ёшларининг камол топишларида, келажак сари дунёвий парвоз қилишларида қўнаниқ бўлиб хизмат қилди.

Комилжон ФАЙЗИЕВ

ДУШАНБА, 31

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00-8.30 «Хафтаном»... 11.30 «Соз сеҳри». Мусикий дастур... 17.55 «Фармон ва ижро»... 22.00 «Вестни» СЕШАНБА, 1

10.00 Янгиликлар. 10.05 Болалар учун. «Наврўз чечаклари»... 11.30 «Соз сеҳри». Мусикий дастур... 17.55 Кўрсатувлар тартиби... 22.00 «Вестни» ЧОРШАНБА, 2

таралган меҳр». 10.00 Янгиликлар. 10.05 «Замин фидойилари». Публицистик кўрсатув... 11.30 «Соз сеҳри». Мусикий дастур... 17.55 Кўрсатувлар тартиби... 22.00 «Вестни» ПАЙШАНБА, 3



8.00 - 8.25 «Ахборот». 8.25 Республика газеталарининг шарҳи... 17.10 Янгиликлар. 17.15 «Эркатой».



«Мен телевизор кўришни сўқираман. Аммо...»

ЁШЛАР «ТВ» ҲАҚИДА


Мен «Туркистон»нинг домий ўқувчиси ва мухлисман. Гапнинг лўндаси — ҳозирги Ўзбекистон ойнаи жаҳонининг кўрсатувлари талаб даражасида эмас.

17.10 Янгиликлар. 17.15 «Эркатой». 6.30 - 8.00, 17.20 - 20.40 Россия жамоат телевидениеси. 22.00 - 22.20 Россия давлат телевидениеси.

6.45 «Тонги меҳмонлар». 6.50 «Хит-онлар». 7.20 «Шпаргалка». 7.25 «Пресс-экспресс»... 18.00 Янгиликлар (сурдо таржима билан)...

18.45 «Мультарусель». 19.00 «Хит-онлар». 19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телеериал... 22.00 «Вестни» ШАҢБА, 5

дий фильм. 23.25 «Хит-коллекция». 23.45 «Бу ажиб дунё». 00.05 - 00.15 «Хайрли тун»... 18.15 Янгиликлар. 18.20 Мультфильм... 19.15 Оттин туркум. Олег Борнсон...



«Мана, кимдан ибрат олиш керак, ҳўжайин!»

АСАЛАРИН ШАРАТИН сойилади ва харид қилинади. Мурожаат учун манзилимиз: Россия, 460021, Оренбург шаҳри, Туркистон кўчаси, 161 уй. 410 хона. (Таксопарк маъмурий биноси). "Январь" ҳиссадорлик жамияти Тел: (3532) 72-27-59.

ИНСОН ХОТИРАСИ АБАДИЙДИР

Хизмат сафаридан қайтганимга анча вақт ўтган бўлишига қарамай, поезддаги ҳамроҳим бўлган йўловчи ҳам - андуҳ билан айтиб берган воқеани ҳанузгача унутолмайман.

Хамроҳим- Мансуржоннинг бир вақтлар тиббиёт илмгоҳида бирга ўқиган марҳум дўсти - Қосимбек икки йил муқаддам оламдан ўтган экан.

Қосимбек ниҳоятда камтар, камсуқум, ўз касбини жони-дилидан севдиган, одамларга меҳрибон, малаҳали жароҳ эди, левоҳиясини давом эттирди Мансуржон. У минглаб беморлар дардида маълум бўлди, юзлаб кишиларни жарроҳлик тибби билан ўлим чаңғалидан ажратиб олди. Дўстим ўзи билан бирга ўқиган, ўзига муносиб қиз - Саодатхонга уйланди. Афсуски, тақдир уларни фарзанддан қистанди. Бироқ, уларнинг бефарзандликлари учун тақдирдан бирор марта ҳам нолишганини, турмушларига кўнгилсизлик аראшлаганини эшитмаганман. Аксинча, ҳар бир беморга ўз фарзандларидек муносабатда бўлишарди... Икки йил муқаддам Қосимбек узоқ қишлоқдан наҳот сўраб келган кишининг ярим тунда уйига бориб, бемор боласига шошилди ёрдам кўрсатиб, ўлимдан сақлаб қолади. Бироқ, қишлоқдан қайтишда автомобил халокати оқибатида ҳаётдан кўз юмади... Мен уша вақтда чет элда ишлардим. Яқинда қайтиб келдим. Қосимбекнинг умр йўлоши -Саодатхондан хабар олгани, дўстимнинг хабарини зиёрат қилгани борандим. Минг афсуски,

мақсадимга эришолмадим. Қосимбеклар яшаган уй бўлиб, ўрнида қорхона қурилибди. Саодатхоннинг янги турар жойини излаб қилган барча уришиларим зое кетди.

Хаммасидан ҳам дўстим ишлаган шифохонадагиларнинг Қосимбекнинг вафотидан кейин унинг хонадони тўғрисида бирорта ҳам маълумотга эга эмасликлари, ҳаёт унинг дафн этилган жойини эслаб олмасликлари юрагимни ўртаб юборди. Ахир, наҳотки ҳалол меҳнат билан ўзи ишлаган муассасага шўҳрат келтирган инсон хотирасига, унинг оиласи тақдирига шўнчалик бепарқ қаралса...

Мансуржоннинг афсус-надоматлари, тушкун қиёфаси ҳали-ҳали кўз ўнгимдан кетмайди. Бейхити-ёр уйга толаман. Мансуржон гапириб берган бу воқеа яққо-яғонамикан? Сиз, биз ишлаётган муассасада, қорхонада, ташкилотда узоқ йиллар виждонан, ҳалол меҳнат қилиб кетган марҳумлар исбат - хурматини, хотирасини ўрнига қўя оламизми? Уларнинг оила аъзолари тақдирдан, ҳола-аҳволдан, турмушидан, қайғу-ҳасратидан хабардоримизми? Таваллуд топан ёҳуд вафот этган кунларини ўз вақтида хотирлашимизми?

Мансуржоннинг мунгли ҳиқояси инсон хотираси билан боғлиқ бир воқеани ёдига туширди. Рамазон ҳайити кунлари эди. Автобусда кетаётгандим. Навбатдаги бекатда икки киши автобуса чиқишиб ёнимдаги ўриндиқдан жой олишди. Улардан бири "Хўш, дўстим, энди фотиҳага киришимиз керак бўлган кимники қолди?" дея шеригига мурожаат қилди. Улар йўл-

йўлақай марҳум таниш-билишларини, қариндош-уруғларини эслаб бошлади. Автобусдаги гала-говур орасидан улардан бирининг "Қўявер, уникига кирмасак ҳам бўлади - ийли ўтиб кетган!" - дегани қўлогимга чалинди...

Ажабо, нега энди марҳумнинг урф бўлган маросимларидоғона хонадонига бориш, яқинларидан кўнгил сўраш керак, кейинчалик шарт эмас? Ахир, инсон хотираси вақт билан улчанмайдику?! Биласиз, инсон хотираси абадийдир. Унга бир умр содиқ қолиш керак, токи, "Унинг хотираси қалбларимизда абадий сақланади" деган сўзлар фақат таъзияномаларидоғона қолиб кетмасин. Қолаверса, марҳумнинг хотираси вафотининг йигирмасида, қиркида, йилда бериласан, ош, ёзилган тўқтин-сочин дастурхон билан улчанмайди-ку? Умуман, инсон хотираси беэвола, бемуддат, беулқовдир.

Анчиқ бўлсада, тан олиш кераки, марҳумнинг таниш-билишлари у ёқда турсин, ҳатто туғишларига ҳам урф бўлган маросимлар ўтиб бўлган, уни унутиб юборадиган ҳоллар, кам бўлса-да ураб туради. Қабрларини қориб дўст-биродарларининггина эмас, балки ўз қариндошларининг қабрини ҳам тополмай, ўсал бўлиб қоладиганларни кўрганда юрагинг эзилди "Сақдан одам кет," дегинг келади. Бундай кўнгилсиз ҳолатга йўл қўймаслик учун қабрларини фарзандлар билан тез-тез буюб туриш, марҳум ота-оналаримиз, қариндошларимиз, эътиборли кишиларимиз қабрларини уларга кўрсатиш, зиёрат қилиш, мурғак қалбларга

меҳнатлари, ижодлари билан безатишган.

Яқин ўтмишимизда калтабин сийсатдонлар оёқ ости қилган диний этиқодларимиз, миллий қадриятларимиз юртбошимизнинг халқларвар, оқилона сийсати, сий-ҳаракатлари, истиқлол шарофати туйғайли қайта қарор топди, қад ростилади. Ушбу йилмизнинг инсон манфаатларини йил деб эълон қилинганлиги ҳам инсон деган буюк зот фаровонлиги жамиятимизнинг, юртимиз раҳбариятининг олий мақсади эканлигининг яна бир исботидир. Яратилган шарт-шароитларни самарали сафарбар қилиб, мўтабар инсон хурматини ҳаётлигида ҳам, хотирасини ҳам ўрнига қўйиш бу йўлда бутун сий-ҳаракатларимиз учун мезон бўлиши керак, токи бу сий-ҳаракатлар ёш авлодларимизни вақти келиб ўзларини ҳам шундай эслашга, хотирлашга муносиб инсонлар бўлиш учун интилишга даъват этсин.

Инсонни, унинг хотирасини улуғлаш, эъзозлаш кундалик ишмишимизнинг зарурий узвий бўлаги бўлиб қолсин, токи истиқлолга эришган юртимиз жаҳонда ўзининг фақат иқтисодий салоҳияти, куч-қудрати билангина эмас, балки инсоний қадриятларини эъзозлаш, асраб-авайлаш, боғлаш бориши билан ҳам тобора шўҳрат қозонаверсин.

Юсуф МУҚИМБОВЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

“Тиниққан оқшомлар ишққа интизор”

СОНЕТЛАР

Ўмғирга тўйинган сокин тўқайзор
Илохий онларнинг исин таратар.
Тиниққан оқшомлар ишққа интизор,
Безовта туйғулар, руҳин безатар.
Самовий бир кўшиқ, тасирин лаҳза-
Ғамга айлантлар, бу ёғи алам...
Термулиб турган бу сукут-покиза,
Оҳират кулфатин эслатар санам.
Денгиз ҳароратин уфлар шамол,
Тирлиб келади йўқолган излар.
Шамол рангин чизар майсага ҳаёл,
Кўзимни хотирлар тўлдирган келар.
Ўмғирдан олдинги яшил тўқайзор,
Тушимга кўчадур, тушимда моллар-
Бошларин кўтармай ўтлар беозор,
Гулҳанин ёқадур чўпон қиз-хумор...
Уфқни талайди чивин галаси,
Қайдадир увиллар бўри боласи...

Кўл етмас кўкида юлдузим ёлғиз,
Ул етмас ерида Ўктамим ёлғиз.
Бошқа бир осмонда ёлғиз юлдузим,
Уларга мунтазир тул қолган кўзим.
Сабрга сўрайман илоҳдан тўзим,
Уйиб борар, эй воҳ, босилган изим...
Аждод ўтиб кетди манзили томон,
Йўлни бўшатмайду авлоди ҳамон.
Гуноҳ маржонлари сочилиб ётар,
Териб улгурмай тонларим отар.
Болалик фаслига ичккан меҳроб
Тўқилган умрга ҳамдарддур сароб.
Марҳамат юртида икки паршиша-
Мени кутиб, ўйин қилар саришта.
Оҳ, висол соҳили бунча бепоён...
Қачон туташадур асли бир, ошён?
Шундайин кечадур ҳар шому саҳар,
Ўзликка талпинар уч шамсу қамар...



Япониялик дзюдочилар Ўзбекистонда

Пойтахтимиздаги МХСК спорт мажмуида дзюдо бўйича Ўзбекистон ва Япония терма жамоаларининг ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг энг кучли дзюдочилари куч синишиди. Бу учрашув ҳар икки томон курашчиларининг шу йил бўлиб ўтадиган турнирларга қай даражада тайёргарлик кўраётганини кузатиш имконини берди.

Шунингдек, бу ерда Япония ва Ўзбекистонлик дзюдо ҳакамларининг мусобақаларни бошқариш бўйича семинари ҳам бўлиб ўтди. Ҳакамлар ва мураббийлар ўзаро тажриба алмашишди.

Япониялик спортчилар энди Туркменистонга йўл олишди. Бу ерда улар туркман курашчилари билан ўртоқлик учрашуви ўтказадилар.

Суратда: Татамида аёллар. А. Рисквев олган сурат.

Мовий кўз - узоқ умр гарови

Бугун 122 ёшини нишонлаётган Жанна Кальман туғилганда жаҳонга машҳур Эйфель миносари ҳали қурилмаган эди. Жанна Франциянинг йигирмадан зиёд раҳбарини кўрди, учинчи республикадан тортиб, бешинчи республикага қадар бўлган даврни босиб ўтди. Хуллас, Франциянинг энг янги тарихи Жанна хоним кўз ўнгида шаклланди.

Айни пайтда табиблар Жанна Кальманнинг узоқ умр кўриш сирини билан қизиқмоқда. Айрим мутахассисларнинг фикрича, Жанна қон босимининг барқарорлиги ва мовий кўзлари туйғайли юз ёшдан ошган. Чунки, ана шундай хислатли кишилар одатда узоқ умр кўрар экан. Жаннанинг энг катта орузси XXI аср баҳорини қаршилади. Лекин калта юбка кийиш унинг ягона армони бўлиб қолди. Чунки бундай "олий мода" гуллаган олтишинчи йилларда у аллақачон тўқсон ёшга "уриб" қўйган эди.

Ҳақиқий ҳаёт саҳнадами ёки...

Лотин Америкаси теленовеллалари орқали шўҳрати ортиб бораётган аргентиналик актёр Хаун Соллернинг яқиндагина уйланган рафиқаси билан ажралиши Мексикада катта шов-шув бўлди.

Тасодифни қарангки, "Кичкина қишлоқдаги катта дўзах" теленовелласида машҳур актриса Вероника Кастронинг жамани роллада суратга тўшаётган Хуан Солер шахсий ҳаётида ҳам саҳнадагидан қолишмас экан. Натижада Соллернинг хотини худди киногадек, уй эшигини тарсиллатиб ёлғанича, туғунини кўлтиқлаб, боши оққан томонга қараб кетди.

Франциялик "Островский"

43 ёшли франциялик журналист Жан-Доминик Боби фалаж бўлишига қарамай, ўлими олтидан китоб ёзиб қоладиришга улгурди. Журналист вафотидан ролпа-роса бир ҳафта ўтган, унинг "Скафандр ва парвона" деб номланган китоби нашрдан чиқди.

"Скафандр ва парвона" Францияда машҳур бўлмаслиги ҳам мумкин эди. Агар... муаллиф уни ўлим тўшаида ётиб, фақатгина чап қовоғи ёрдамида "Эзмаганида". Қизиги шундаки, котиба қиз ҳурфларни эринмасдан бирма-бир кўрсатиб турган ва Боби керакли ҳарфга келганда чап қовоғини қисиб, тасдиқ ишорасини берган. Чунки, унинг чап қовоғидан бошқа бирор аъсои ҳаракатланмас эди.

Китоб гарчанд кўп нусхада чоп этилмаган бўлса-да, тезда сотилиб кетди. Нашриёт эса худлик билан уни қайта чоп этишга киришди. Афсуски, Бобига бунга кўриш насиб этмади.

ҲАР КУНИНГ БЎЛСИН НАВРЎЗ

Ҳар бир халқнинг ўз суйган, ўз севган байрами бўлади. Ана шундай байрамлардан бири асрлар оша элимиз қонда жўш уриб яшаётган Наврўз. Йиллар келди, уни унуттирмак исташди... Кунлар келди, биз уни яна тиктадик.

Ёшларга эски тўн ярашмайди, аммо кексага янги тўн ярашверади, дейишди. Истиқлол шарофати ила бугун янгитдан тикланган, қадрланган Наврўз шодли-наси ўзбек учун ўзгача бўлди. Сабобки, ўзининг таниган эл ўз қадриятининг қадрига етмоқда.

Қизилтепа тўпроғи неча асрларнинг шодлиғи қувончин бяхт-у иқболини, ғам-у аламини ўз кўзи билан кўрган тўпроқ. Неча асрлар олдин ҳам худди бугунгидек халқ сайилларининг тўғоҳ бўлганлиқ. Неча йиллар таъқиқ остига олинган удум-у маросимлар билан бирга шун ҳам куну тун азят кечкандир. Аммо ҳамма нарсани кўрган-эшитган шу тўпроқнинг гапи кўп-у сўзлагани тили йўқ.

Янги кунлар бахтидан Қизилтепа чўлларига этагидан даҳорни олиб келадиган Наврўзни бу йил шу юрт халқи меҳр-муруват, оқибат байрами, деб яна бир бор таъкиқлади.

Наврўз кунлари юз ёшдан ошган қарияларнинг уйларига зиёратчи бўлиб, ноғиронлар ҳолидан хабар олинди.

Бугун биров-бирова зор қолган кун эмас, дейди Турсуниўлат ака. Гап уларни хурматлашда. Туманда юз ёшдан ошган кўплар онахон-у отахонлар истиқомат қиладилар. Улардан оладиган дуоларимиз эса фақат яхши ишларга йўлдош бўлади. Ота-боболаримиз Наврўзни фақат сайил қилиб нишонлашмаган.

Мушар биби бир аср-у уч ёшга қаршилаётган онахон. 17 келин, 90 неваро, 40 эварангнинг бувиеси, 190 кишилик сулоланнинг бошлиғи:

Болажоним, бу кунларга етказганига шукр. Элимизнинг шундоқ-шундоқ байрамлари қайтганига шукр. Юртимиз тинч бўлсин, ёшларимизга имон-эътиқод берсин. Биз қарияларни шўнчалик ҳурмат қилганлар кам бўлмасин. Мени бошим кўрган кулфатларини илоё ёшларимиз тушида ҳам кўрмасин.

21 мартнинг эрта тонгидан

халқ сайлига чорлаган қарнай-сурнай садоларига табиатнинг саховати ила қор-у ёмғир ҳам жўр бўлди. Хут кириди, деҳқон паатагига қўрт кириди, деганларидек. Деҳқон учун бу қўшалоқ байрам. Наврўз учун махсус тайёрланган майдонда санъаткорларнинг чиқишлари, савдо ярмаркалари, қозондаги сулама ошлар ҳалимлар, бухорча ошлар элнинг бу кун учун тайёрларини зўрлиқдан далолат эди.

Уша кунни худди аввалгилардек янги бозор, расталар, машийл хизмат уйлари-нинг очилиш маросимлари ҳам бўлиб ўтди.

Қизилтепа туман аҳли шодлиёгани билан кунлик меҳмони бўлиб, ўзимда 10 йиллик куч-ғайратни тўплагандек бўлдим. Айтмоқчи бўлганим, яхши кунга нима етсин. Халқим, Навоий ҳазратларни айтганидек: "Ҳар тунинг Наврўз ўлиб, ҳар кунинг Наврўз бўлсин." Сенинг бу шодлиёларинг дунёга ёйилиб, жаҳон сенга жўр бўлсин.

ЛАЙЛО
"Туркистон" муҳбири.

ЮЛДУЗЛАР САМОДАН СЎЗЛАЙДИ

ҚУЙ. Юлдузлар қўйларнинг барча оруз ниятлари рўёбга чиқишини башорат қилмоқда. Сиздан эса шу омад қўшини иложи борича тезроқ тугиб олиш талаб этилади.

СИҒИР. Тўғри, озгина чиқим кўп бўлди. Ҳечқисни йўқ, Моддий рағбат кейинги ҳафта сиз билан эканлиги юлдузларга аёнланди.

ЭГИЗАКЛАР. Яна иккиланиш ҳисси сизнинг миянғизни асосига айланган. Ундан тезроқ қутулинг. Бўлмаса икки кўённинг кетидан қулагандек, барчасидан қуруқ қоласиз.

ҚИСҚИЧБАҚА. Қисқичбақа нимани ушласа қўйиб юбормайди, дейишади. Келгуси ҳафтада бунинг гувоҳи бўлишингиз турган гап.

АРСЛОН. Бу ҳафтада ишга жойлашман деганлар, ишга жойлашиб, уни тарк этиб фахрийлар қаторига қўшилиман деганлар фахрийларга айланшлари мумкин.

СУНБУЛА. Янги учрашувлар, муҳаббат бобидаги катта муваффақиятлар сиз билан.

МЕЗОН. Ҳаммасини таразга солиб ўлчаш яхши, бироқ бундай ҳисоб-китоб панд бериш ҳам мумкин. Шунинг учун баъзан тавақалчилик ҳам ўз самарасини бериши мумкин.

ЧАЁН. Кейинги ҳафта сизни моддий рағбат кутади. Камми, кўпми, шукр қилиб, тилдан эҳтиёт бўлиш лозим.

001 хабар қилади

Баҳорнинг ҳам биринчи ойи ўз ниҳонига етмоқда. Дарахлар гуллаб, табиат янгилашни унга ўзгача тароват бағишляпти. Келгуси ҳафта ҳам баҳор ёмғирлари-ю ўз нурилар билан табиатга инъом этгудек офтоб чарақлаши билан алмашиниб туради. Ўртача ҳарорат эса +12 +17 даража илқ атрофида бўлиб, жануб сари яна уч-тўрт даражача кўтарилиб боради. Фақат Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳаво босими баъзида ўн даража ва ундан ҳам пастроқ бўлиши мумкин.


ИҚТИДОРЛИЛАР МАКТАБИ

Пойтахтимиздаги нафис санъат лицейида бугунги кунда 300 нафардан ортиқ ўқувчи таъсил олади. Газал мулкнинг сўлтони, буюк мутафаккиримиз ҳазрат Алишер Навоий номи билан ата-ладиган бу кўтулғ даргоҳ мустақиллигимиз кўлга киритилган йилда ташкил этилган бўлиб, бу борада республикамиздаги энг оғурули билим масканларидан бири ҳисобланади. Лицейда адабиёт, тарих, санъат, инг-

лиз тили ва иқтисод бўлимлари мавжуд. Ўқувчиларга ўз касбининг моҳир усталари сабоқ беради.

Лицей кўрғазма залида турли мавзуларда - мустақиллик, она Ватан, Наврўз, Буюк алломаларнинг юбилейларида бағишланган кўрғазмалар мўлод ўтказиб борилади.

Инсон манфаатларини йилли бўлиб 1997 йил ҳам лицей ўқувчилари, учун ўзига хос бўшланди. Ўзбекистон телера-



ЧЕМПИОННИНГ ИККИНЧИ МАҒЛУБИЯТИ

26-27 март кунлари Олий табақа жамоалари Ўзбекистон биринчилиги навбатдаги тур учрашувларини ўтказишди. "Набахор" биринчилигининг дастлабки маълумиятига ўраша улгурди. Чемпиондан эса "Афросиё" жамоаси устун келди. Қуйда учинчи тур мусобақаларининг якуни эълон этилмоқда: "Набахор" - "Андижон" 2:1, "Насаф" - "Афросиё" 1:1, "Дустлик" - "Сувдиёна" 4:0, "Зарафшон" - "Нефтчи" 1:1, "Атласчи" - "Бухоро" 3:0, "Пахтакор" - "Янгиер" 2:0, "Косонсой" - МХСК 0:1, "Хоразм" - "Трактор" 0:3.

Дастлабки мусобақалардан қарвонбошчилиқни ўз қўлига пойтахтнинг МХСК ва "Пахтакор" жамоалари олди. Қўрайликчи, балки дастлабки галабалар пойтахт футболчиларига олтин медал сари далай қадим ташлашга имкон яратар.

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ
Ҳомий:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
«МАТБУОТ ТАҚДИМЛАШ ИШЛАРИ» АССОСИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ

ТАҲРИРИЯТ:
Қабулхона — 36-56-58, 33-95-97;
Хабар бўлими — 36-54-64;
Тўғридан — 33-79-69; ижодкор ёшлар бўлими — 36-54-64;
36-54-64; спорт, харбий ватанпарварлик бўлими — 36-54-93, котибият — 36-58-48.

МАВЗИЛИМНИЗ:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
Ташкил этилган 1997 йил 12 март
Наврў кўрсаткичи 64807

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлангани мумкин.